Хозиргиша иккита автомобил заводи ишга туширилиши туйфайли 4 минг одам ишли бўлганини гапирдик. 4 минг одам – бу 4 минг оила, 4 минг оиланинг ҳар биреда иккитадан бўлса 8 минг, уч-тўрттадан бўлса 20 мингдан зиёд ўзбек фарзандининг мушқули осон, бахти тўқис бўлди, дегани. Базан муштлағина оиланг бошини қовуштиришга қучинг етмайди. Ёхуд ўз болангни йўлга солмай азобланасан. Энди битта қишлоқ, туман, шаҳар ёки вилоят эмас, бутун бошли мамлакатни ишонтириш, уйғотиш, қурашга чорлаш орқали пахлаван рақамларга эга бўлиш нимадигини бир ўйлаб кўринг! Айниқса, бизни – азал-азалдан буйин томири йўғорноқ, ҳам полван, ҳам ўзар, ҳам тўғрисуз, ҳам дангалчи ўзбекларни; ясама сиёлиқни, юмшоқ муомалани хуш кўрмайдиган, сохтакорлик кўчасидан ўтмаган, танги, жуварди, «меҳмон отангдан улуг» маталига амал қилувчи, қўли очик, бағри кенг, валломат ўзбекларни қовуштириш... Бундай табиилати кишиларни ишонтира олаёғи, хитойликлар айтгани-

4

2017 – 2024 йиллар... Шу йилларда ақли дунё бошқатдан кўрди, таниди Ўзбекистонимизни. «Янги Ўзбекистон» пайдо бўлди Ўзбекистонда. Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворининг биринчи ғиштлари қўйилди. Президентнинг қуну тун излангани, тиниб-тинимаслиги, бошқаларни ҳам тинчитмаслиги, ҳаммани иқодкорликка чорлаши қалбларда шижоат қўзғатиб, халқни ўз сўзига ишонтиргани натижаасидир бу ғалабаларнинг ҳаммаси.

Давлатнинг обрўйи Президентнинг обрўйи, Президентнинг обрўйи давлатнинг обрўйидир, дейишди донолар. Давлат ва Президентга чин эхтиром эса айтилган сўзни, берилган ваъдани, чиқарилган қарорларни беқаму кўст адо этишда қўрилади. Мабоодо, ваъдага вафо қилинмасе, Шарқ мақолларида айтилганидек,

*Сўвса солсам, кўтармас мисқол темирини, Олтин билан олиб бўлмас қолган қўнлини.*

## Оламда БУГУН



**Европани бўлиб ташлаган саммит**  
Парижда бўлиб ўтган Европа мамлакатлари етакчилари саммити Франция президенти Эммануэль Макрон учун муваффақиятсиз яқун топди. Бу ҳақда Франциянинг «Патриотлар» партияси етакчиси Флориан Филиппо маълум қилди.

«Елисей саммити Макрон учун фиаско билан яқунланди! Тарихий муваффақиятсизлик!», деб ёзди у X (Twitter) ижтимоий тармоғида. Сўбатчининг таъкидлашича, Украинага қўшин юбориш масаласидаги келишмовчиликлар Францияни ўзининг Польша каби муҳим иттифоқчиси-дан айрилиш хавфи остида қолдирган. «Financial Times» газетаси маълумотига кўра, саммит давомида Европа Иттифоқи етакчилари бир тўхтамага кела олмаган. Германия, Италия, Польша ва Испания Украинага қўшин киритишга қарши чиққан, аммо Европа комиссияси «фаол ҳаракатларни талаб қилишда давом этмоқда».

## Рим папаси касалхонада

Ўпка инфекцияси билан шифохонага ётқизилган Рим папаси Францискда икки томонлама пневмония аниқланди.

«Vatican News» хабарига кўра, касаллик бронхэктас ва астмалик бронхит фониде ривожланган бўлиб, даволаш жараёнини мураккаблаштирмоқда. Шунга қарамай, Ватикан матбуот хизмати унинг руҳий ҳолати яхши эканини ва айрим вазифаларни масофадан туриб бажараётганини маълум қилди.



## Япония атом энергетикасига қайтмоқда

Япония ҳукумати атом энергетикасини ривожлантириш буйича янги стратегиясини эълон қилди. Бу яримўтказгичлар ва сунъий интеллект каби тармоқларда электр энергияси истеъмолнинг ўсиши билан боғлиқ.

Бу қарор 2011 йилдаги Фукусима фо-жасидан сўнг қабул қилинган АЭСлардан босқичма-босқич воз кечиш стратегиясини бекор қилди.

Янги энергетика стратегиясига кўра, 2040 йилга келиб, мамлакатда атом энергиясининг умумий электр истеъмолдаги улуши 8,5% дан 20% га етказилади.



## ҲАМАС асирлар алмашинувига тайёр

ҲАМАС гуруҳи қуролсизланишининг иккинчи босқичи доирасида асирларни алмашишга тайёрлигини маълум қилди.

«Биз иккинчи босқичга тайёрмиз. Унга кўра, асирлар бир вақтнинг ўзида алмаштирилади, агар бу доимий ўқ узишни тўхтатиш ва Ғазо секторидан қўшинларни тўлиқ олиб чиқишга олиб келса», дейилади ташкилот баёнотида. Бу таклиф Дональд Трамп Ғазода сакланаётган исроиллик асирларни босқичма-босқич озод қилиш ғоясига қарши чиққанидан сўнг янгради. АКШ президенти барча асирларни дарҳол озод қилиш талабини қўлаб-қувватлади. Музоқаралар давом этмоқда, аммо яқуний келишувга эришилмаган.





# ҲАР НАРСА БОРДИР

Шундай. Сўзига вако қилмаган киши бошқаларнинг кўнглини ҳеч қачон, ҳеч нарса билан оломайди!  
Чунки:  
**Янгиликлардан эскирса рўмол,  
Кўйлак янгиликлар кетса оҳори.  
Аммо обрўни-чи, асри экон мисол,  
Обрў сотилмайди, йўқдир бозори.**

Ўзбекистон Президентининг азиз Ватанига содиқлиги, фидойилиги, элсеварлиги боис, албатта, йирик-ямоқларимиз бутланиб, камчиликлар тугамоқда, дастурхонимизда ноз-неъматлар кўпаймоқда, юрт сарҳадлари обод бўлмоқда, ишларимиз жаҳондаги дўстларимиз эътирофига муносиб қўрилмоқда.  
Шеърят султони Алишер Навоий ҳазратлари таъкидлаганларидек, «Кимки истаса, салтанат саҳодир анга шарт, Ҳар ваъдаки айласа, вафодир анга шарт».

Хўш, Жиззахда ваъдага вафо қилди? Манзара мисолларда аксланади, мисоллар фактлар ва рақамларда тасдиқини топади. Демак, яна мисол ва рақамларга мурожаат қиламиз. Улар жуда кўп, улар жуда салмоқли, ҳаммасини санайдиган бўлсак... Ҳар жойда, ҳар хил сўзларни ўйламай-нетмай гапириб юрадиган, пашшадан фил жсагша ишқибоз айрим «биродари азиз»ларимизнинг асаби ўйнаши мумкин. Шу андиша билан энг муҳимларини тилга оламиз:  
Ўзбекистон Президентини 2017 йилдан буён Жиззах вилоятига расман 9 марта ташриф буюрди. Ҳар ташрифдан сўнг худудда янги-янги бўлоқлар кўз очди – янги корхоналар, заводлар қишга тушди, уйлар, мактаблар қурилди. Кишлоқроқ шаҳарларга тиник ҳаволар, гўзал наволар кирди.

Масалан, 2017 йилги ташрифдан кейин Зафарободда нефтни қайта ишлаш заводида, «Жиззах» эркин иқтисодий зонасидаги шиша маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Ming Yuan Sily industry» корхонасида, Жиззах шаҳридаги «SILK EXPERT PROCESSING» ҳам ипак етиштириш ва қайта ишлашга иختисослашган Ўзбекистон – Буюк Британия қўшма корхонасида тамал тоши қўйилди.

Форишнинг Эгтебўлоқ кишлоғида Буюк Британиянинг «Leigh Barrier LLP» компанияси билан ҳамкорликда маъсулоти чекланган жамият шаклидаги «Mega invest industrial» композит арматуралари ишлаб чиқариш заводи, Галлаорол туманида «Marjon global» доиривор гиёҳларни қайта ишлаш корхонаси, Зомин туманида «Зомин – Фарм» корхонасида асос солинди. «Обод кишлоқ» дастури асосида Дўстлик туманидаги Манас кўрғони намунави кишлоққа айланатирилиб, одамларга муносиб турмуш шароити яратилди.

2018 йилги ташрифдан кейин вилоятда 10 миллион 113 минг долларлик санаот ва 34 миллион 504 минг долларлик мева-сабзавот маҳсулотлари қайта ишланиб, салкам 45 миллион доллар ҳажмидаги маҳсулот экспорт қилинди. Экспорт ҳажми 2017 йилга нисбатан 9,5 миллион долларга ёки 127 фоизга кўпайди, 43 та янги қўшма ва хорижий корхона рўйхатини ўтказилди, уларнинг сони 120 тага етди. 2019 йили умумий қиймати 498 миллион долларлик олти лойиҳа бўйича ташкил этилган Фориш базали кластерга айланатирилиши; 2021 – 2023 йилларда Фориш – тоғ полигонидagi «Н» харбий қисмида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари салоҳиятини тўла намоён қила оладиган бунёдкорлик ишларининг амалга оширилиши; «Жиззах» эркин иқтисодий зонасининг маҳсулот ишлаб чиқариш

бўйича республикада учинчи, экспорт ҳажми бўйича эса олтинчи ўринга кўтарилиши ҳамда «Жиззах» ЭИЗда 33 та лойиҳанинг амалга оширилиши; «ВМВ Holding» компаниясида заъфарон етиштиришининг йўлга қўйилиши кабилар ҳам Президент ташрифларининг муборак тухфаларидир. Дунё бозорида энг сифатли бўлган ўзбек заъфарони эндиликда АҚШ ва Европа давлатларига экспорт қилинмоқда. Компаниянинг «Агрологистика» мажмуаси лойиҳасининг умумий қиймати 57 миллион 700 минг АҚШ долларини ташкил этади. Учта модулни ҳар бирида йилга 270 минг тоннагача кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириши қуввати мавжуд. Умумий айланма қуввати йилга 810 минг тоннадан ортқ.

Шунингдек, Зомин аэропорти кенгайтирилиб, реконструкция қилинди. Туманда Хитойнинг «Мингюан» компанияси билан ҳамкорликда шакллантирилган 30 дан ортқ лойиҳага хитойликлар томонидан 1,2 миллиард доллар инвестиция йўналтирилмоқда.

2017 йилдан фаркли ўлароқ, 2024 йилга келиб вилоят аҳолисини электр энергияси билан таъминлаш даражаси 99 фоизга етказилди. Табиий газ таъминоти 2017 йилга нисбатан 2 баробарга ошди, 1090,6 километр минтақавий ва ички кўчалар таъмирланди.

Ичимлик сув тизимини яхшилаш мақсадида 617,4 километрик тармоқ ҳамда 106 та сув иншоотлари реконструкция қилинди. Бу 2017 йилга нисбатан 5 баробар кўп демакдир.

Қўйсанайтган йилларда давлат дастури бўйича жами 13 минг 871 та, шундан 2528 та яқка тартибдаги ҳамда 357 та кўпқаватли уйлар бунёд этилди. Вилоят иқтисодиёти 2017 йилга нисбатан 3,1 баробар ўсди. Аҳоли жон бошига ялпи худудий маҳсулот ҳажми 8,2 миллион сўмдан 25 миллион сўмга, ўртача ойлик иш ҳақи 1,5 миллион сўмдан 3,8 миллион сўмга етди.

Шу йилларда умумий қиймати 30 триллион сўмлик 3650 та инвестиция лойиҳалари ишга туширилиб, 50 мингта иш ўрни яратилди.

50 минг иш ўрни! Энди шунинг ёнига ойлик маоши 1,5 миллиондан 3,8 миллион сўмга кўпайган минг-минглаб бахтиёр кишиларнинг қувончини, газ ва свет йўқлигидан қийналган, чангу лой кўчаларининг азобларидан қутулган миллион-миллион инсонларнинг шодликларини кўйинг-да, дўпинини ерга қўйиб, ўйланг, неча миллион одамларнинг қўллари дуога очилди экан!! Ваҳоланки, инглиз шoirи Жорж Байрон таъбири билан айтганда, бировнинг бир томчи кўз ёшини қуритга олган киши жанг майдонидида қаҳромонлик кўрсатган кишидан кўра, ўн қарра баҳодирроқдир.

Жиззахдаги қоқсалардан Президент Шавкат Мирзиёевнинг фаолияти айнан ана шу фалсафага қурилганини яна бир қарра исботлайди.

Фақат шулар эмас. Жиззахнинг тарихий манзиллари, маданий мерослари, зиёратгоҳ ва қадимжолари ҳам Президент эътиборидан кейин обод бўлиб, сайёҳлар меҳрини торта бошлади.

Аммо бир вақтинг ўзида тўрт фаслни кўриш мумкин бўлган Жиззахда: тоғи, чўли, дарёси, қўли, ўрмони бўлган; тоғларида кўнгр айиқлар, қор қолонлари, Туркистон силвосинлари, олқорлар, ёввойи тўнғизлар, жайралар юрган; осмонларида қора лайлақлар, бургутлар, окбошли қалхатлару лочинлар учиб юрган; дашту далалари, боғу роглари андиз, зира, кийикўт, равоч, исриқ, чатраткоки, чирич, кў-

шоёқ каби саноксиз ўт-ўланларга тўлган; чангалзорларида бедана-ю қакликлар хониши жаранглаб турган Жиззахда яқингача туризмга эътибор қамчилар эди.

Давлат раҳбарининг меҳри пастекисликлар, кир-адирлар, тоғлар, чўллар, тубсиз жарлар, даралар, қалтис зов ва газалар, арчазору ўрмонлар, чашма-ю ирмоқлар оша саёхатга ташна қалбларга етиб борди. Фақат 2024 йилнинг ўзида салкам 2,5 миллион маҳаллий ва 400 минг нафардан ортқ хорижий сайёҳ келди вилоятга, туризм хизматлари экспорти қарийб 60 миллион долларга етди.

Гурури, баланд орият ва дангаллиги билан ном қозонган деҳқонлар эса 2024 йили мамлакат оморларига 815 минг тонна галла, 200 минг тонна пахта, 100 минг тонна мева, 490 минг тонна сабзавот, 310 минг тонна полиз, 110 минг тонна картошка ва 35 минг тонна мойли экинлар етказиб, кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми 2024 йилда 2016 йилга нисбатан 12 баробар кўпайишига эришдилар.

5

Ҳа, илдизлари 4-5 минг йиллар аввалги «Сайхонсой қоятошлари» ва «Пешагор» горининг деворларидида суратларга; аждодларимиз бундан икки ярим минг йиллар бурун умргузорлик қилган Мозор-сой ёдгорликларини; Жомонжар ероти эҳромларига, Газа, Харақана, Зомин, Собот, Минк, Марсманда ҳамда улардан-да қадимгирок бўлмиш Хитой соноломаларида тилга олинган «Йеча шахри» қолдиқларига, «Қалия тепа», «Ўрда» каби қалъаларга улангувчи Жиззах заминидида бутун ана шундай оламшумул ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Ойкор чўққиларидек баланд режалар эса йил сайин поғонама-поғона ўсиб бораётди. Мана, уларнинг айримлари: Режага кўра, вилоятда 2025 – 2030 йиллар орасида қиймати 3 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 130 дан ортқ ташаббус – лойиҳа амалга ошмоғи керак. Уларнинг 512 миллион долларга тенг 85 таси шу йилнинг ўзида бажарилади.

Санаот ҳажми 7 фоиз ўсиб, 28,7 триллион сўмга етади. 131 та янги қувват ишга туширилади ва қўшимча 3 триллион сўмлик ишлаб чиқариш манбаси яратилади.

Шароф Рашидов туманида хитойлик инвесторлар қиритган 1 миллиард доллар ҳисобидан «Шароф Рашидов технопарк» санаот зонаси ташкил қилинади. 2025 – 2030 йилларга мўлжалланган ушбу лойиҳани амалга ошириш давомида 16 мингдан ортқ янги иш ўринлари яратилиб, бюджетга қўшимча 500 миллиард сўм маблағ тушиши таъминланади.

2025 – 2027 йиллари шу худудда яна бир улкан лойиҳа – «Гатарин эркин савдо зонаси»нинг очилиб, тадбиркорлар томонидан 20 миллион доллар инвестиция қилинилади, 30 дан ортқ савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари ишга туширилади ҳамда 2 минг нафар аҳолининг бандлиги таъминланиб, бюджетга 10 миллиард сўм тушум қўшилади. Дўстлик туманида Инвестиция вазирлигининг 30 миллион долларлик маблағлари ҳисобидан микро санаот марказлари ташкил этилади, мингта янги иш ўрни яратилади.

Умуман, 2025 – 2026 йилларда 3,2 миллиард долларлик (2024 йилга нисбатан 3 баробар кўп) хори-

жий инвестиция маблағлари жалб қилиниб, экспорт ҳажми 285 миллион доллардан оширилади. Туманларнинг ҳар бирида 50 миллиондан 100 миллион долларгача, Жиззах шаҳрида эса 250 миллион доллар хорижий инвестиция қиритиш режалаштирилган.

Кишлоқ хўжалиги соҳасида 2025 – 2029 йилларда 100 минг гектар ерни ўзлаштириш, 101,5 миллион доллар ҳисобига 18 та лойиҳани ишга тушириш мақсад қилинган.

Озик-овқат маҳсулотлари етиштиришни тўғри ташкил этиш учун тақрорий экин сифатида экиб келинган полиз қишлоқ майдони ўрнига 30 минг гектар майдонга Россиянинг «Пионер» тезшиар қунабоқар нави экилади. Қунабоқардан ўртача 60 минг тонна ҳосил, 12 минг тонна мой, 40 минг тонна қунжара олиш орқали 5 йилдан сўнг Жиззах вилояти қунабоқар мойини Ўзбекистонда биринчи бўлиб экспорт қилувчи худудга айланади.

2025 – 2026 йилларда 841 километр йўл ва кўприклар, 621 километр ичимлик суви ва оқова сув, 268 та кўпқаватли уйда 21,5 километр коммуникация тармоқлари тортилади.

Сайхунобод, Уйчи, Зарбдор ва Гиждувон «тажриба» асосида 200 минг аҳоли бандлигини таъминлаш орқали ишсизлик даражаси 5,1 фоизга, камбағаллик 6,1 фоизга туширилиб, хорижда юрган кам даромадли 15 минг нафар мигрант қайтарилади ва қафолатли иш билан таъминланади. Шу тарика 2030 йилга бориб камбағаллик бутунлай тугатилади.

2030 йилгача хорижий туристлар сони 5 миллионга, хизматлар экспорти 300 миллион долларга етади. Мақсадга эришиш учун 2030 йилгача Бахмал туманининг «Бойкўнур сой» худудида «Кибер спорт» аренаси, «Воркаут» майдони, «Зиплайн», «Жамнинг», «Веллоқоқ», паррапан, меҳмонхона, савдо ва сервис хизмат кўрсатиш шохобчаларини ўз ичига олган «Туризм комплекси» ташкил этилади. Арнасоидида Айдлар – Арнасой кўллари худудидан 100 гектар, Зомин – Бахмал давлат қўриқхонаси худудидан 137 гектар, Фориш ўрмон хўжалиги худудидан 100 гектар ер майдонлари ажратиб олиниб, бу манзилларда тадбиркорлар томонидан савдо дам олиш, меҳмонхона, савдо ва сервис хизматлари ташкил этилади.

Бундан минг йиллар бурун боболаримиз маҳорат билан бунёд этган, Ўрта Осиёда энг қадимги ва энг маҳобатли ирригация ишооти саналмиш «Банд тўғони», бир неча минг йиллардан бери азиз тутиб келинган «Темир дарвоза», «Саъд ибн Абу Ваққос», «Парни ота», «Хўжамушкент ота», «Новка ота», «Ўсмаг ота», «Саид Мир Халилulloх ота», «Хўжа боғдон ота», «Пайгамбар ота» каби мўътабар зиёратгоҳлари бўлган Жиззах боғлари бундан-да гавжумлашган. IX-X асрларда сомонийлар, XI-XIII асрларда қорахонийлар ва хоразмийлар, кейинроқ Чингизхон, XIV-XV асрларда темирүйлар давлати таркибидида бўлиб, XVI-XVIII асрларнинг биринчи ярмидан то 1866 йилгача Бухоро амирлигига тобе ва ундан сўнг Оқпошшо-ю шўролар қарамоғида қолиб, 1973 йил 27 декабрь куни алоҳида вилоят сифатида ташкил этилган – шимолдан Қозогистон, Айдлар – Арнасой кўллари, шарқдан Мирзачўл даштлари ва Сирдарё вилояти, ғарбдан Нурута тоғлари, Фориш қирилари, Самарқанд вилояти, жанубдан Туркистон тоғ тизмалари ва Тожикистон Республикаси билан чегаралаш, майдони 2 миллион 117 минг 830 гектардан иборат Жиз-

зах вилоятининг 1 миллион 600 мингдан ортқ аҳолисининг ҳовлиси гулга, чўнтаги пулга тўлади.

6

Хўш, тез-тез тарихни эслашдан ва қатор-қатор рақамларни бир-бирига таққослашдан мурод нима? Мурод шуки, бу ўзгаришларни айрим «биродари азиз»ларимизга яна бир бор кўрсатиб ўтиш. Аслида мен уларни ичи қир ёки ғанимлар, дейишдан узоқман. Имомни қомил, улар ҳам Ўзбекистондаги юксалишларни кўриб, биллиб турибдилар. Томга қуёдек сакраб эмас, пойма-пойма чикиллаганини яхши билдилар. Атиги 7-8 йил аввал, масалан, олис юртларни кўя турайлик, бир уват наридаги қўшни давлатга бориш нақадар азоблиги ҳам қундек равшан уларга. Пешона теринг билан ишлаб топган ойлик маошининг олиш ёхуд ҳисобрақамингиди пулингиди нақдга айлантиришиди оворагарчиликлар-чи?

Ўрни келганда, Уругтуда бўлган бир воқеани айтгай. Газ ва электр йўқлигидан норози бўлган аҳоли шикоят билан ҳокимнинг ҳузурига келишади. Мен газ ва светдан бошқа ҳамма масалаларингни ечиб бераман. Аммо газ билан светдан оғиз очманлар, дейди у. Ваҳоланки, қирчиллама қишда аҳолининг ана шу икки муаммодан бўлак ғам-ташвиши йўқ эди. Бирок ҳоким шўрликнинг қўлидан келмаса, нима қилсин, ноилож эди.

Тўғри, 7-8 йилда Ўзбекистон жаннатга айланган, Америка ёки Европа бўлгани йўқ. Муаммолар қаланиб ётганини қайта-қайта таъкидлаб турибдилар Президентимизнинг ўзлари ҳам. Иқтисодий камчиликлардан ташқари, маҳаллийчилик, уруғ суриштирув, таниш-билишлик, қариндошчилик, порахўрлик, худбинлик, андишасизлик, қўрқоқлик, теккинхўрлик деган иллатлар ҳам борки, уларни енгиш учун ҳали кўплаб «жанг»лар қилинган тўғри келади. Ило, узоқ йиллар давомида қон томирларига кўрғошндай қуйилиб қолган дардлардан қутулиш бир кун ёки бир йиллик муаммо эмас. Уйлаб қўрайлик, битта янги рўзгорнинг бут бўлиши учун неча йиллар керак бўлади. Бутун бошли мамлакатининг-чи?

Инсоф сари барақа, дейди боболар.

Шукр қилмоқ мусулмончиликда улуг фазилат. Бутун Янги Ўзбекистон қуриляпти. Улкан режалар олинляпти. Муродга етмоқ учун шароит ҳам, имконият ҳам, қуч-ғайрат ҳам етарли. Аммо ола-ғовур дунёда бўлаётган гафволарни ҳамма кўриб турибди. Бутунгга гап эртага тўғри келмайпти, кечкурунги дўст азонда ғанимга айланмоқда. Ҳамма гап бирликда. Ўзбекистон Яратган томонидан халқимизга тухфа қилинган шундай бебаҳо, саховатли ўлкаки, бу ўлкада тошга эксанг, гул кўқаради.

Мақоламизда тилга олинган рақамлар Жиззах вилоятида қўлга қиритилган улкан ютуқларнинг айримлари – «сикиб-сикиб, сувини чиқариб, «қолин»га соллинганлари, ҳолос. Айтиверсам, санайверсам, қиссагаям, дostonгаям сиймайидган юмушлар бўлаётди Жиззах томонларда ҳам.

Агар бахт ва шодлик қуйчи, улуг шoirимиз Ҳамид Олимжон ҳаёт бўлганида эди, она юртида бўлаётган ободликларни кўриб, ҳеч шубҳасиз:

**Ухшаши йўқ бу сўзал бостон!  
Дostonларда битган сулистон!** дея хайқирган бўлу эди.

## Трамнинг режаси рад этилди

Эрон олий раҳбари оятуллоҳ Али Хоманай мамлакатга ташриф буюрган радикал фаластинлик гуруҳ «Исломиий жиҳод» делегациясини қабул қилди.

Учрашув давомида Хоманай АҚШ президенти Дональд Трамп таклиф этган фаластинликларни Ғазо секторидан кўчириш режасини рад этди. «Бундай режалар ҳеч қандай натижа бермайди», деди Эрон раҳбари. Унинг фикрича, «ҳозирги шароитда жаҳон жамоатчилиги Фаластин томонидан», шунинг учун «Ғазо халқи ва қаршилиқ кучлари розилигисиз биронта режа амалга ошмайди».



## Туркияда 282 киши ҳибсда

Туркияда ўтказилган антитеррор операцияси чоғида 282 нафар шахс Курдистон Ишчи партияси (КИП) билан алоқадорликда гумонланиб қўлга олинди.

Мамлакат ички ишлар вазири Али Ерликаяннинг маълумотига кўра, операция беш кун давом этган ҳамда мамлакатнинг 51 вилояти, жумладан, Анқара ва Истанбулда амалга оширилган.

Ҳибсга олинганлар терроризмни молиялаштириш, жангариларни ёллаш ва экстремистик тарғибот олиб борадиганликда айбланипти.



## Жанубий Кореяда импичмент эшитувлари

Жанубий Корея Конституциявий суди президент Юн Сок Ёлга нисбатан импичмент бўйича тўққизинчи эшитувни ўтказди.

Дастлаб барча мажлисларда иштирок этган давлат раҳбари жараён бошланганидан аввал суд залини тарк этиб, қамок марказига қайтди.

Унинг адвокатлари бундай қадамни «Юн Сок Ёль шахсан иштирок этиши шарт эмаслиги» билан изохлади.

Оламгир ОТАЁР  
тайёради



## Зеленскийнинг сафари кечиктирилди

Украина президенти Владимир Зеленский Саудия Арабистонига режалаштирилган сафари 10 мартга қолдирилганини маълум қилди.

«Украина тақдирини ҳеч қачон унинг ортида ҳал этилмайди», деди у Анқарада Туркия президенти Режеп Таййип Эрдоган билан ўтказилган матбуот анжуманида.

Унинг сўзларига кўра, Киев Россия ва АҚШ Эр-Риёда ўтказган музокаралар ҳақида фақат оммавий ахборот воситалари орқали хабар топган.



«Бошим оғрипти», «Ўзимни ёмон ҳис қиляпман»... Бундай гап-сўзларни тез-тез эшитиб тураемиз. Хўш, тана нима сабабдан оғриди? Касаллик қандай ҳолларда юзага чиқади? Яқинда хорижлик олимлар ажойиб тадқиқот ўтказишди. Тажрибада қатнашаётган одамдан қон олиниб, экранда кўрсатилди. Қон таркибида секин ҳаракатланаётган бактериялар, шунингдек, қоннинг тозалигини таъминловчи тана чаккиривчи ҳиссиётлар турарди. Макрофактлар қонни ёт моддалардан тозалайди. Улар муҳим вазифани бажарса-да, тасвирда қандайдир мудроқ, суст ҳолатда ва секин ҳаракат қилаётгандай кўринади. Бактериялар эса, аксинча, ҳар томонлама тўхтовсиз кезиб юрарди. Шу пайт тажрибада қатнашаётган кишига комедияли фильм кўйиб беришади.



# ХАСТАЛИК ЧАҚИРУВЧИ ҲИССИЁТЛАР

Кейинги жараёнлар олимларни хайратда қолдиради. Макрофактлар, яъни қон санитарлари бирдан уйғониб, ўз вазифасини бажаришга киришиб кетади. Бактерияларга яқинлашиб, уларни паккос тушира бошлайди. Бу тасвирда кўриниб турарди. Тадқиқот натижасида иммунитет тизими хужайралари одамнинг кайфияти ва ҳиссиётларига ўта таъсирчанлиги аниқланди. Аммо бу хали ҳаммаси эмас. Тадқиқотда қатнашган одамдан қон намунаси олиниб, алоҳида қолбага жойлаштирилди. Яъни у эгасининг танасидан ташқарида қолди. Шундан сўнг эркак бошқа қонга олиб чиқилди. Аммо унинг кайфияти нариги қондаги қолбада турган қонга таъсир кўрсата бошлайди. Демак, инсон организмиде шундай ахборот каналлари борки, онг тўлқинлари улар бўйлаб ҳаракатланиб, манбадан олиса бўлган объектга ҳам таъсир кўрсатиш кучига эга. Тадқиқот давомида қатнашувчи кўрkinчи фильмдан лавҳалар кўрсатилди ва шу заҳотиёқ қон намунасида ўзгаришлар бошланди. Яъни бактериялар фаолашди ва макрофактларга ҳужум қила бошлади. Улар эса турли томонларга жиририлишга киришди. Ултургани ултурди, ултурмагани бактерияларга ем бўлди. Хулоса қилиндики, онгимиз, кайфиятимиз, ўзимизни қандай ҳис қилишимиз қалб экологичи

ямизни назорат қилишда ўта муҳим омил экан. Онг тўлқинлари фақат ўзимизгагина эмас, атрофга ҳам тарқалиб, олисдаги яқинларимиз хужайраларига, яъни танасида бизнинг қонимиз оқётган фарзандларимиз ёки қариндошларимизга ҳам таъсир ўтказар экан. Организмдаги ҳар қандай ўзгаришлар, турли хасталиклар қалбни кемираётган ёки бизни азоблаётган ҳиссиётлар билан ҳамбарчас боғлиқлиги қўллаб тадқиқотларда ўз исботини топган. Маъшур амалиётчи психотерапевт Валерий Синельниковнинг «Дардингни сев» номида китобида бу ҳақда жуда кўп қизиқарли илмий фактлар келтирилган. Докторнинг қайд этишича, касалликлар юзага келишида қандайдир қонуниятлар мавжуд. Бу муайян бир орган ёки организм тизими ўзига хос физиологик функцияларни бажарибгина қолмай, ўзида эмоционал юкни кўтариб юриши билан боғлиқ. Яъни тананинг қайсидир қисми бизнинг у ёки бу фикрларимиз ва ҳис-туйғуларимизни акс эттиради. Инсоннинг хатти-ҳаракати, ўй-фикрлари ва рўёбга чиқарадиган максадлари билан баъзи касалликлар ўртасида боғлиқлик бор. Масалан, инсулт, фалажлик ва парез каби касалликлар рашк ва нафрат туйғуларни маҳсулдир. Қулоқ оғриғи ва эшитиш қобилиятининг пасайиши атрофдагиларнинг гапини эшитиш ва қабул қилишни истамаслик натижасида онг остида ғазаб ва нафрат тўпланиши оқибатидир. Юрак касалликлари беморнинг ўзи, яқинлари, бутун олам ва ҳаётга нисбатан қоникмаслик туфайли юзага келади. Саратон касаллиги инсон танасини ичидан кемириб ётган алам, ғазаб, қаҳр, нафрат ва қасос олиш истаги «меваси»дир. Бугунги

кунда тобора авж олиб бораётган қон босими (гипертония) хасталиги кўрқув, ишонсизлик, у ёки бу ходисани қабул қилишни истамаслик натижасида келиб чиққан ички зўриқиш ва қаршиликни узок вақт бошидан кечирган инсонлар касаллиги саналади. Шунингдек, ошқозон кўрқув, ваҳима, жаҳл туйғулари оқибатида зарарланса, жигар касалликлари ғазаб ва қаҳрдан «пайдо бўлади». Ўт пуфағида йиғилган тошлар дарғазаблик, шунингдек, қибр хосиласи. Шу боис, бутун ривожланган мамлакатларда бирор касалликка чалинган беморни энг аввало, руҳшунос қабулига олиб бориш кенг оммалашиб бормоқда. Бунда касалликнинг асл сабабларига ҳиссиётлар ва кайфиятдаги ўзгаришлари нуқтани назардан эътибор қаратилади. Оғир касалликларни кулгитерапия ёки ишонч руҳияти орқали даволаш ҳамда дардан халос бўлганлар ҳақида эшитганимиз, ўқиганимиз. Оғир хасталикни кулгитерапия орқали энгтан профессор, Нобель мукофоти лауреати Норман Казинснинг ҳаёти барча учун ибратлидир. У 1976 йил «Касаллик анатомияси мижоз нигоҳида» номида автобиографик китоб чоп эттиради. Унда муаллиф ўз тажрибасига таянган ҳолда, ижобий ҳиссиётлар энг оғир хасталикларни ҳам энгилди ёрдам беришини таҳлил қилиб беради. Оғир дардни онг кучи билан энгтан қаҳрамонлар фақат ривожланган мамлакатларда яшайди, деб ўйласангиз, янглишасиз. Улар ён-атрофимизда ҳам бор. Масалан, «Гиза» психологик маркази раҳбари Нарғиз Саттарова психология билан шугулланишидан аввал тушқунлик, стресс, норозилик, ғазаб оқибатида онкологик касалликка чалинганини тан олади. У ўзининг очли оламни яхшилаш, кўтаринки кайфиятга эзганини ва норозилик, қаҳр, алам-задалик каби туйғуларни унутиш, ўзгартириш натижасида саратонни энгил, ҳаётда улкан муваффақиятларни кўлга киритгани, қолаверса, минглаб инсонларнинг ҳаётини яхшилашга ёрдам бериб келётганини қайд этади. Норман Казинснинг машҳур ибораси бор: «Аслида ҳар биримизда касалликлардан шифо топишининг энг осон ва арзон усули бор. Бу – кулги». Ҳа, ҳар доим кўтаринки кайфиятда юрсангиз, фақат яхши нарсалар ҳақида ўйласангиз, чин дилдан қилишни қанда қилмасангиз, касалликлар сизга йўламайди. Шундай экан, касаллик чаккиривчи салбий ҳиссиётларни жиловлашни ўрганайлик.

Дилдора ИБРОҲИМОВА  
«ISHONCH»

Ҳаётини ҳақиқат шуки, одамзотнинг умри боқий эмас. Вақт-соати етганида ҳар бир тиррик жон бу дунёни тарк этади. Бироқ шундай инсонлар борки, уларнинг умри боқий, хотираси мангу барҳаёт. Улар ҳаётлигидаёқ ўз номини абадиятга муҳрлаб кетишади.

Биз ана шундай инсонлардан бири – она Ватанимизда мустақиллик насимлари эса бошланган даврлардан буён кўп йиллар мобайнида касабая уюшмалари тизимида самарали меҳнат қилган Яраш Норовнинг босиб ўтган умр йўли, ибрат олишга арзигулик фаолияти ва фазилатларига бир қур назар ташлаб, ёдга олишни жоиз топдик. У салкам 80 йиллик умри давомида ҳаёт деб аталмиш улкан «дошқозон»да қайнади, тобланиди. Оғир машаққатли кунларда ҳам Инсон деган улуг номга доғ туширмади, аксинча, уни янада улуглади. Шоғирдлар учун, келажак авлод учун ибратли ҳаёт йўлини яратиб кетди. Қаҳрамонимиз Иккинчи жаҳон уруши «қизган» даврда, яъни 1943 йили таваллуд топди. Халқ ичиде саросима ва ваҳима урчинган, инсонлар нигоҳида ҳадик ва кўрқув қотиб қолган, озик-овқат тақчил ва танқис бўлган кунларда инсон ҳаётининг гултожи бўлмиш давр – болалик йилларини ўтказди. – Отам ранс эди, бироқ эгнимиздаги ямок кийим-кечакка, ночор дастурхонимизга қиб боккан киши бизни раиснинг болалари деб сира ўйламасди, – дея болалик даврларини хотирларди у. – Оиламиз олти нафар ўғил ва бир нафар қиздан иборат эди. Камтаргина дастурхонимизга таом тортилганида ўртада атиги битта товоқ ва қошиқ бўларди. Ҳар биримиз навбатимиз келганида бир қошиқ ичиб, кейинги кишига ўтказардик. Укаларимдан бири қондан бузиб, бир эмас икки қошиқ ичиб қўйса, жазо сифатида ўша қошиқ билан бошига урардик (қулади). Аммо бугун мулоҳаза қилиб кўрсам, ана шу етишимовчиликлар бизни камтар ва тежамкор қилиб улғайтирибди.

Азиз газетхон!  
**Мароқли дам олинг!**

# АДОЛАТГА СУЯНГАН ИНСОН ЭДИ

хам 3-4 километр масофани пиёда босиб, уйдан ишхонага, ишхонадан уйига қатнардик. Доим ҳаракатда бўлар, тенгдошларига ўхшаб оёқ узатиб ётишни ўзига эп кўрмасди. Унинг ҳовлисига қирган киши борки, кичик ўлчамдаги экин-тикин майдонидан қанчалик даражада унумли фойдаланганидан хайратга тушар, турли-туман дарахтлар эса қонгоннинг тажрибаси-ю меҳнатқашлигини дарак беради. – Ҳазилга йўйиб, дадамини «тирик энциклопедия» дердик, – дея уни хотирлайди ўғли Азизбек Норов. – Нега деганда, қайси соҳадан савол берманг, дадам унга, албатта, атрофича жавоб бериш билан бирга, ўз қарашларини ҳам баён этарди. Уйда электр энергияси, иситиш ускуналари, сув ёки дурадгорлик, таъмирлаш, сувок ишларини, хуллас, неки юмуш бўлса, барчаси қўлидан келарди. Яраш Норов ўта тўғрисиёқ инсон эди. Барчага ҳақиқатни гапирар, ёлғондан фойдаланишни ёки алдашни билмасди. Аччиқ гапми ёки ижобий, юзга айтарди-қўярди. У билан илк бор суҳбатга киришган киши бу гаплардан бироз ранжиши мумкин, бироқ аввалдан биладиганлар хафа бўлмасди. Чунки дўст ачитиб гапирарди.

тоб унинг мудом ҳамроҳи бўлди. Интизомли бўлгани ва барча топшириқларни ўз вақтида бекам қўйс бажаргани учун унга чарм камарида китобни кистириб олиб юришга руҳсат берилганди. Шунинг алоҳида эътироф этиш керакки, у касабая уюшмалари ташкилотлари Қашқадарё вилояти бирлашмасида фаолият юритган вақтида нафақат ташкилотнинг вилоят, туман ва шаҳар бўлимлари ходимлари орасида, балки барча тармоқларда ҳам «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг энг фаол тарғиботчиси эди. У энг улашини шараф деб билар, айниқса, тизимда фаолият юрита туриб, касабая уюшмалари соҳасидаги қонунчилик, янгилик ва хабарларни мутолаа қилмай ишлагани уят деб биларди. Бу фикрни бошқа ҳамкасбларига айтишдан ҳам сира чарчамасди. У сермазмун ва самарали фаолиятини якунлаб, пенсияга чиққанида ҳам китобхонликни асло ташлаб қўймади. Аксинча, мутолаага кўпроқ вақт ажратадиган бўлди. Ўқиётган сўнгги асар – немис ёзувчиси Эрих Мария Ремаркнинг «Қора хайкал» романи ярмига етганди... Китобга бўлган меҳр-муҳаббат сўнгги манзилига қадар у билан бирга бўлди. Бугун оила аъзолари, шоғирдлари, биргаликда фаолият юритган ҳамкасблари, тенгдошлари даврасида Яраш Норов хотирланса, содда, бегубор, тўғрисиёқ, мард ва олижаноб инсон, қатъий тартиб-интизомли, одамларнинг дарду ташвишини ўзиники деб билган куюнчак раҳбар ёдга тушади. У орамизда яшайпти...



■ Яхшилар ёди

■ Илҳом

**Кўнглим**

Олисларга парвоз айлаган,  
Ўзингдорсан оққушим кўнглим.  
Юрагимни ҳайратга солган,  
Сирдошимсан, юпанчим кўнглим.

Меҳрга ташна дилларни,  
Оқибат булоғидан ичирган кўнглим.  
Ортдан пичоқ урган касларни,  
Кенглик қилиб, кечирсан кўнглим.

Гар қўйналса дўсту ёронлар,  
Кўмакка қўлимни чўздирган кўнглим.  
Яхшилар шарофати ила,  
Эзулик ифорин сездирган кўнглим?

Кўнглим, кўнглим, оҳ, менинг кўнглим,  
Ҳокисорим, бечора кўнглим.  
Дилнинг вайрон бўлган кезде ҳам,  
Барчасини унутган кўнглим.

Гулжамол ТИЛЕПОВА,  
Нукус шаҳридаги 42-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси,  
мактаб касабая уюшма кўмитаси раиси

Янгиўл тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Янгиўл тумани, «Шўралеси» ҚФЙ, Мирзобобоев номи маҳалладдаги «Мирзобобоев чойхона» биносининг кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли беқор қилинади.

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касабая уюшмаси Республика кенгаши жамоаси кенгаши бош юриконсулти Арипжан Гайназарова укаси  
**Абдукарим ГАЙНАЗАРОВ**  
вафот этгани муносабати билан ҳамдардик билдиради.

Дарбадар кезмаса ким  
юрт қадрин билмас эмиш,  
Мусофир бўлмагунча  
мусулмон бўлмас эмиш.

Зоҳида Умарова ижросида  
**«Юрт қадри»** кўшиғи  
Барот Исроил шеър

**MUASSIS:**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2016-5003

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-rangdan birinchi ra'yatiga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari).

Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSEYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir Husan ERHATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43 Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20 Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23 Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31 Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12 Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34 Namangan viloyati – (+998-99) 213-09-66 Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70 Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44 Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchesi muharrir: A. Abdurahmonov

Musahhirlar: D. Xudoyberganova, U. Xudoyberganova

Sahifalovchi: H. Abdullilov

Bosishga topshirish vaqti – 23:50 Topshirildi – 01:20

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@vandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 32 427 ta

Shundan: 6 246 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Tiron ko'chasi, 41-uyda;

18 273 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

7 908 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas'ul.

Gazetaning etkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-211

1 2 3 4 5 6